

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (11.826)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2011 йил — Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили

КЕНГ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР

Ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган «Daromat Munira Fayz» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ўзларининг кенг турдаги сифатли маҳсулотлари билан буюртмачиларни жалб эта олди. Бу борада талаб ҳамда таклифлар асосида буюртмаларга кўра, бежирим, иш шариоитига мос кийим-кечаклар моделларини яратиб бераётган дизайнерларнинг, хорижий дастгоҳлар қувватини ишга солган ҳолда сифатта эътибор қаратаётган чеварларнинг ҳиссаси каттадир.

— Маҳсулотларимизни асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз, — дейди корхона директори Мунира Бойтуллаева. — Энг асосийси эса биз тайёрлаётган махсус иш кийимлари ҳамда

кенг турдаги пойабзал маҳсулотларининг халқаро стандартларга жавоб беришига эришаётганимиздир. Кийим-кечакларни тайёрлашда буюртмачи талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда уларга мос матолардан фойдаланамиз. Бунда, албатта соҳа ходимларининг фаолияти, иш шариоитини ҳисобга оламиз. Шу боис бўлса керак, буюртмачиларимиз сафи йилдан йилга ортиб, маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошмоқда. Ўтган йилда 450 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдик. Барча буюртмачиларни сифатли ва муддатда адо эта олдик.

Асосий буюртмачилар хусусида тўхталар экан, «Нефтьгазмонтаж»,

«SAM-Avto» кўшма корхоналари, «Шўртангазимёмама», «Шўртаннефтгаз», «Автосаноат-Махсусюктранс», «Жарқўроғоннефть», Навоий аэропорти, «Uz Gaz Oil» сингари корхоналар ва ўнлаб ташкилотлар шулар сирасидандир. Бугунги кунда жамоада меҳнат қилаётган 30 нафар чеварнинг маҳорати билан миқдорлар талаби ўз вақтида қондирилмоқда. Шунинг баробарида янги ҳамкорлар топиш, хорижий буюртмачиларни жалб этиш борасида ҳам изланишлар олиб бориляпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорларнинг режалари бисёр. Айтиш жоиз.



кенгайтириш, янги цех ташкил қилиш ишларини амалга оширишга киришилган. Мазкур цех хориждан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланиб, яна 30 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланиши кўзда тутилмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажмини 600-700 миллион сўмга етказиш, экспортни ҳам йўлга қўйиш эзгу мақсадлар сирасига киради.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

ИЗЛАНИШГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» VI миллий мукофоти халқаро танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий журналистикани янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» миллий мукофоти ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Мазкур танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Муствақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, уларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашушни шакллантириш имконини бераётир.

Ушбу танлов журналистика соҳасида — телевидение, радио, матбуот, интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда «Олтин қалам» VI миллий мукофоти учун танловда йиғирма етита — битта бош мукофот, ўн икки асосий ва ўн тўртта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилди. Бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан анча юқоридир. Рағбатлантирувчи номинациялардан бири «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун» берилди. Танловга материаллар оммавий ахборот воситалари жамоалари ва ходимларидан, ижодий уюшмалардан, нодавлат нотижорат журналистик ташкилотлардан, шунингдек, муствақил журналистлардан қабул қилинади.

Танловнинг бу йилги мукофот жағмараси қарийб 150 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилги мукофот фонди микдоридан 37 миллион кўпдир. Айтиш пайтада БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби бир қатор халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари томонидан ҳам мазкур танлов доирасида турли номинациялар таъсис этилган.

Йиғилишда «Олтин қалам» VI миллий мукофоти халқаро танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ишлар кўриб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юқсак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шариот яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашушларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартдан 2011 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:
Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига кўшган ҳиссаси учун;	— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;	— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;	— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;	— энг яхши матбуот хизмати;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;	— энг яхши журналистик текширув учун;	— энг яхши фоторепортаж учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;	— мураккаб шариотларда (фавқулодда вазиятлар, атропо-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;	— энг яхши карикатура учун;
— «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган энг яхши материал учун;		— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Сергели туман ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида 10 та маҳаллада оилавий бизнесни шакллантириш ва касаначиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимиздаги Темирийўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ўтган йилда ўтказилган «Энг яхши маданият муассасаси» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Республика дизайн коллежида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилган кўргазмада мазкур ўқув маскани ўқувчилари томонидан яратилган либослар намоиши этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганч шаҳридаги «Хоразм палас» меҳмонхонасида хоразмлик фермерлар учун ўқув машғулоти ташкил этилди. Унда кишлоқ мулкдорларига кредит олиш ва солиқдаги имтиёзлар ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

• Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Саксончелди қишлоғидаги қаровсиз бино ҳашар йўли билан таъмирланиб, барча қулайликларга эга замонавий қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди. 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган саломатлик маскани ҳозир ҳудуддаги 5 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

• Жиззах шаҳрининг Халқобод маҳалласида махсус боғча иш бошлади. Ушбу муассаса нутқида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган. Бола нутқини ривожлантиришда ўйинчоқлар орқали ўтказиладиган машғулоти муҳим аҳамиятга эга эканини инobatга олиб, боғча қошида болалар учун ўйинчоқлар ясаладиган махсус цех ҳам ташкил этилди.

• Қорақалпоғистон республикаси Хўжайли туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар 200 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда 150 нафардан зиёд фуқаро ишга йўлланма олди. Уларнинг аксариятини касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлар ташкил этади.

• Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Ўрикзор» фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Нурметов сая-ҳаракати билан сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган илғор технологик линия ишга туширилди. Айти пайтада корхонада кунига 1 тоннага яқин сут қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига тўрт хилдаги маҳсулот тортиқ этилмоқда.

• Тошкент вилоятида юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар сони яна биттага кўпайди. Юқори Чирчиқ туманининг Бордонкўл қишлоғида соатида 14 минг 400 дон қадқолданган хуштаъм ичимликлар ишлаб чиқарувчи «Recemel Beverages» корхонаси иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• Бугун Туркиянинг Истанбул шаҳрида Эроннинг ядро дастури бўйича катта «олтилик» давлатлари вакиллари иштирокида қайта тикланган музокараларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда Эронга ядро ёнилғисини бойитишни тўхтатиш талаби қўйилмоқда.

• АҚШ Европа Иттифоқи томонидан Белоруссия етакчиларига нисбатан санкциялар қўлланилишига қарши эмаслигини билдирди.

• Тунисда давлат раҳбарининг ўзгариши муносабати билан рўй берган оммавий тартибсизликлар натижасида ҳалок бўлганлар хотираси учун уч кунлик матам эълон қилинди.

• Финляндия Руминия ва Болгариянинг Шенген ҳудудига киришига қарши эканлигини маълум қилди.

• Бразилияда рўй берган сув тошқинлари ва ер кўчиши оқибатида 800 га яқин киши ҳалок бўлганидан сўнг мамлакат фуқаро мудфоаиси тизимини ўзгартиришга қарор қилинди.

• Кеча Эквадорда ҳарбий самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Ироқда амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракати оқибатида 52 киши ҳалок бўлди, 200 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

• Германияда 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатининг бир нечта муҳим ўйинлари натижаларини олдиндан тўғри башорат қилган «Паул» лақабли саккизоёққа ёдгорлик ўрнатилди.

• Санкт-Петербургда Россия бозори учун махсус лойihalangan «Хундай соларис» автомобилларини ишлаб чиқариш бошланди.

• Аргентина фермерлари мамлакатда кучга кирган дон экспортни чеклаш тўғрисидаги қарорга норозилик белгиси сифатида етти кун дон сотишни тўхта-тиб қўйишди. Фермерларнинг айтишича, экспорт ҳажмининг қатъий чегараланиши ички бозордаги дон нархининг сунъий пасайишига олиб келади. Бундан ташқари дунё бозорига донга нисбатан эҳтиёж юқори бўлган вазиятда, кишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ундан фойдалана олишмайди.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, ривожланишнинг устувор йўналишларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, шу жумладан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги мажмуавий дастурларни амалга оширишда банк соҳасининг ўрни алоҳидадир.

Давлатимиз раҳбари демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва либераллаштириш, жумладан молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришни устувор вазифалар сирасига киритар экан, бу борада молия-банк тизими аҳамиятига тўхталиб ўтиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимизда ушбу тизим ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлаганини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, республикамиз молия-банк тизими барқарорлиги авваламбор мустаҳкам қонунчилик-ҳуқуқий негиз шаклланишига боис таъминланмоқда. Ушбу йўналишда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунлар нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар орта қайтамаъмуриятнинг қамқоли бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг бир қатор фармони ва қарорлари ҳам банк фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тижорат банклари капиталлашувини ошириш, уларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш, молия-банк хизматлари сифатини оширишга қаратилгандир.

Айниқса кейинги икки йил ичида банклар фаолияти сезиларли фаоллашганини, уларнинг ресурс негизи ҳам анча мустаҳкамланганини кузатиш мумкин. Таклиф этилаётган омонатлар турлари кенгайиб, маблағларни жалб этишда соғлом рақобат муҳити шакллантирилмоқда. Бу борада аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати охиб боришида илгор тажрибалардан кенг фойдаланилиб, янги аъёнлар ҳам жорий этилаётганини алоҳида қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шунингдек «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги саъй-ҳаракатлар жадал тус олишига туртки бўлди, дейиш мумкин эмас. Бундан ташқари бу борадаги саъй-ҳаракатлар жадал тус олишига туртки бўлди, дейиш мумкин эмас. Бундан ташқари бу борадаги саъй-ҳаракатлар жадал тус олишига туртки бўлди, дейиш мумкин эмас.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича аъёнани ўтказиб келинаётган танловда 2010 йилда 31 та республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари, уларнинг 810 та филиали ва тўрт мингга яқин минибанклари фаол қатнашди.

Танлов саккизта асосий ва ўн битта қўшимча номинациялар бўйича ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар ҳам аниқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Банклар ассоциациясида куни кеча ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки номинациясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки ва «Микрокредитбанк» номлари биринчилар қаторида қайд этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг жойлардаги бўлимлари эса бир вақтнинг ўзида тўрттадан номинациялар соҳибларига айланди. «Алоқа», «Хамкор», «Ипак йўли» ва «Универсал» банклари энг яхши инновацион лойиҳа, миллий ва хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити, пластик карточкалар эмитенти бўйича махсус мукофотларга сазовор бўлди. Якуний натижаларга кўра, 31 та тижорат банкдан 12 таси йил танлови совриндори бўлди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, республикамиз молия-банк тизими халқро даражада ҳам эътироф этилган. Бугунги кунда 15 та тижорат банки турли халқаро рейтинг даражасига эга. «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йил 30 августдаги шарҳида Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланиш башоратини «барқарор» деб баҳолади. Ушбу баҳо глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарорлигини, уларнинг активлари сифати мустаҳкамлигини ва капиталлашув даражаси ошганини кўрсатади.

«Мудис» агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳукумати тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқармоқда. Ҳукумат банклар капиталини кўпайтириш билан бир қаторда, улар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам бўлиб, ўз навбатида банклар ликвидлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молия бозорларидаги жараёнлар Ўзбекистон банклари учун жиддий хавфни юзага келтирма олмаслигини, ликвидлигининг асосий кўрсаткичлари келгусида ҳам ўзгармаслиги ва ҳар қандай қўйилмалар сарф-харажатлар ликвид маблағлар ёки тартибга солувчи ҳокимият органларининг қўллаб-қувватлаши ҳисобидан осон қопланиши мумкинлигини таъкидлаган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги ҳақидаги фикрини яна бир нуфузли халқаро рейтинг агентлиги – «Стандарт энд Пурс» ҳам маъқуллашди. Ушбу агентлик Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига унчалик қаттиқ боғланмаганини ва уларнинг МДХнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги мамлакатимиз банк тизимининг глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилганини қайд этди. Бунга ўтган йилда «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлиги томонидан республикамизнинг тўртта тижорат банки кредит рейтингини яна бир бор тасдиқлангани яққол мисолдир.

Дарҳақиқат, республикамизда банк фаолияти давлат даражасида қўллаб-қувватланиши, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал сектори барқарорлашишига ҳамда аҳолининг турмуш даражаси юксалишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Марказий банк маълумотига кўра, айни пайтда тижорат банклари ва умуман молия-банк тизимининг 2010 йил бўйича фаолияти сарҳисоб қилинмоқда. Шундай бўлса-да, ўтган йилнинг тўққиз ойи натижаларининг ўзи ҳам ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаоллигини яққол намоён эттиради. Бу эса башорат кўрсаткичларига эришиш учун имкониятлар мавжудлигидан далолатдир.

Чунончи, молия муассасаларининг капиталлашув даражасини янада оши-

риш ва уларнинг ресурс негизини мустаҳкамлашишига доир амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари жами капиталлашувининг ўтган йил бошига нисбатан 18,2 фоиз ўсишини таъминлади. Аҳолининг банклар ва кредит уюшмаларидаги депозитлари 41,9 фоиз ошди (йил якуни бўйича, юқорида айтиб ўтилганидек, бу кўрсаткич 53 фоиз даражасида қўйилмоқда). Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридagi мuddатли ва жамғарма омонатлари улushi деярли 87 фоизни ташкил қилди.

Капиталлашув даражаси ва ресурс негизи янада мустаҳкамланиши банк тизими йил бошидан буён 28,1 фоиз ўсишини таъминлади, шунингдек кредит қўйилмалари қолдиқлари 33 фоиз ошди. Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди, бу аввалги йилга нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг айланма капиталини тўлдирish мақсадида 275,5 миллиард сўм ҳажмида (ёки 1,7 баравар кўп) кредит маблағлари ажратилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар аввалги йилга нисбатан 2,5 миллион донага қўпайди ва 7,5 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар эса 23,4 мингга оширилиб, 65 мингта ташкил қилди. Натижада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,5 бараварга ошди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхоналарга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар тайёрлаш учун технологик ускуналар, хомашё ҳамда материаллар харид қилишга 775,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу эса истеъмол товарлар ҳажми 12 фоизга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари – 8,3 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 14,8 фоизга ўсишига асос бўлди. Газламалар, трикотаж буюмлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, галантерея ва ҳўжалик товарлари ишлаб чиқариш ҳажми қўпайди, ясси экранли телевизорлар, янги турдаги машиини кимё воситалари ўзимизда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Жумладан, республикамиз тижорат банклари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг икки бараварга ошириш белгилангани ҳам мақсадга яраша натижа бўлишига далил бўла олади. Беш йиллик дастур доирасида халқаро андозаларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари фаолиятини баҳолаш бўйича миллий рейтинг даражаларини жорий этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг маъзур қарори молия-банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, уни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлашни кенгайтиришга қаратилган. Бу борада биринчи галдаги вазифалар, қайд этилганидек, тизим барқарорлигини таъминлаган ҳолда банклар инвестицион фаоллигини ошириш, молия-банк фаолиятини баҳолаш ёндашувини тубдан ўзгартириш ва халқаро меъёрларни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФО

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолибларом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари йрида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолиблари ва совриндорли мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ – харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-ридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаж жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватла-моат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширила Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзб-тондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи-фотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳам-тернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим қ-ди (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот таи воситанинг қандай қуринишда бўлишидан қатъи на3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшитиришлар (аудиокассета ёки системалк) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиш-зим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар а қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаси тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари
– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳог-буоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали р-да ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловида деб кўрсан ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тош шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-62; 244-37-87. www.Journalist.uz

Иқтисодиёт ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Халқаро андозаларга мос маҳсулот турларини тайёрлаб ички бозорни таъминлаш баробарида «Ўзбекистонда таъминлаш бўлиги билан экспорт ҳажминини ошираётган корхоналаримиз си кенгайиб бормоқда. Энг муҳими эса ула янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқариш жорий этиб, иқтисодиётимизни ривожига ҳи муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда ўз фаолиятини муваффақиятли олиба-ётган «EAST Kolo» қўшма корхонасида ҳам 50 турдайд қурилиш ва пардозлаш ашёлари тайёрланиб, маҳсулнғ бир қисми буюртма асосида Қозоғистон давлатига ҳас-порт қилинмоқда. Ўтган йилда изланишлар ўз самарии бериб, бир неча турдаги янги қуруқ қурилиш аралаш-ри ҳамда лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрлашга мувафқ бўлинди. Илгор технологияларни қўллаш асосида аб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қадоқланиши ҳамда й-нига алоҳида эътибор қаратилганлиги харидорларнинг этишда, буюртмалар қўпайишида муҳим ҳисса бўляти-ниқса, «SUBES» деб номланган эмал ҳамда сузиш ҳа-рини пардозлаш учун мўлжалланган янги турдаги локқ маҳсулотлари сифати билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш-мини ошириш, буюртмаларни вақтида удалаш, қўш ва пардозлаш ашёлари сифатининг халқаро андозага мос бўлишига эришиш мақсадида корхонада шехлан-гаймолда, янги технологик линиялар ўрнатилган уча-лар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида қўллаб ёр иш билан таъминланапти. Кичик бизнес ва хусусид-биркорлик йилида имкониятлардан оқилона фойдалш йўлида изланишлар олиб борилаётган жамоада маҳт-нинг харидорлиги ва замонавий турларини қўпайтириу-ндеккорлик ишларига муносиб ҳисса қўлиши ҳамда ҳр давлатлар сифини орттириш, экспорт ҳажминини шу а-да кўтариш кўзда тутилган.

ХАРИДОР ТАЛАБИ ҲАҚИДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳсулотни тайёрлашда аввало харидоқ талабини чуқур ўрганиш, дид ва эҳтиёжин келиб чиққан ҳолда товарларни қадоқл муҳим аҳамият касб этади.

Бу вазифаларни амалга оширишда эса ишлаб чив-чиларга, албатта илгор техникалар, талабларга мос о-логик линия ва ускуналар қўл келади. «Чевар» ёпик та-ги акциядорлик жамияти тадбиркорлари ҳам бу борўз қарашларига эга бўлиб, кейинги йилларда шехлардаю-дернизация ишларини режа асосида олиб боришда, янги дастхот ҳамда ускуналар келтириб ўрнатилу-ларнинг барчаси қўп йиллардан буён меҳнат қилан мамлакали мутахассисларга янада қўл келиб, рақобати-далки кийим-кечак ва рўзгор буюмлари турларини си-ришга эришилмоқда. Шу боис ҳам чеварли тур томон ишлаб чиқарилаётган эркаклар, аёллар, болалар км-кечаклари, миллий байрам либослари ва бошқа туғи маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда, буюртмаларм қўпаймоқда.

Корхона мутасаддилари касаначиликни ривожлантига ҳам муносиб ҳисса қўлишмоқда. Бунинг учун «Чевар» и-да иккита шўъба корхона очилган бўлиб, уларда қурш учун қозоқ қоплар тайёрланади ҳамда иккиламчи хошё қайта ишланади. Иш билан банд бўлган 100 нафар ка-чиға барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ёт-малар сифатида, иш самарасида кўринмоқда.

Жорий йилда тадбиркорлар янги моделдаги либср-ни яратиш устида изланишлар олиб боришдади. Ёнг учун эса шехларни замонавий жиҳозлаш ишлари ҳе-жага кўра олиб борилиши кўзда тутилган.

Шарофат БАҲРОВА

Таълим

ПЕДАГОГИКАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Маълумки, педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган қўллаб атамалардан фойдаланилади, бу нарса педагогиканинг бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айни шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади.

Чунончи, бугун таълим соҳасида техника ва техноло-гия, таълим иқтисодиёти, ўқитишни компьютерлашти-риш ва шунга ўхшашлар ҳақида тез-тез гапирил-моқда.

Таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳақидаги масала ҳозир-ги вақтда энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Педагогнинг ижодий салоҳияти унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик

одобнинг намоён бўлиши, эмпатия (ҳамдардлик, бир-галликда қайгуриш), қобилият, тасавуурни рағбатлан-тириш, қизиқарли, қўйилмаган, парадоксал саволлар-ни қўйиш ўқувчи, ўқувчи-талабаларни савол беришга жалб қилиш ўқувчи ва ҳоказо орқали амалга оширили-ши мумкин. Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояла-рини ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлан-тирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчининг икти-дорли ҳисобланади.

Педагогик ижодиёт ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимлар ҳосил қилиши ва такомиллаштириши бўйи-ча ижодий ишининг касбий-маҳсус ифодасидир. Бош-кача айтганда, бу ўқув тарбия жараёнида ижодий фикр-лаш қонунларининг амалга оширилишидан иборат изланиш ишидир. Педагогик изланиш ўқитишда дои-мо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқ-лаштирилган бўлади. Ўқитувчининг ва касб-хунар ўқув юрти устозининг ижодий изланиши айни шу конкрет-лаштиришнинг натижаларидан бири сифатида намо-ён бўлади.

Янгиликлар жамият маҳсули бўлиб, уларнинг миқ-дори, турлари, табиати ва жадаллиги қўпгина омил ва шартларга боғлиқ. Педагогика фанига ҳам кейинги йил-ларда барча мамлакатларда инновацион (янгилик) нуқ-таи назардан алоҳида эътибор берилмоқда. «Таълим-да инновация» тушунчаси техника ва бошқа илм соҳа-ларидagi каби кенг ёритилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, инновация педагогик тоифа сифатида тавсиф-ланади. Шу нуқтаи назардан қараганда педагогик ижо-диёт масалаларига ўқув-тарбия инновацион жараён-ларнинг таркибий қисми сифатида қаралади.

Нигора АЛИМОВА,

Тошкент Архитектура қурилиш институти катта ўқитувчиси



ЙИЛ ОМАДЛИ КЕЛАДИ

Қуён йилида туғилганлар учун бу йил энг омадли йил бўлади, дейишади мунажжимлар. **Балиқ, ит, от йилида дунёга келганларга ҳам жорий йилда бахт кулиб боқади. Мутахассислар фақат Товуқ, Йўлбарс ва Маймун йилида туғилганларни сергакликка даъват этишган. Энди эътиборингизни буржлар бўйича мунажжимлар башоратига қаратамиз.**

Кўй. 2011 йил сўнги вақтларда энг муваффақиятли йиллардан бири бўлиши керак. Бироқ, кутилган натижага эришиш учун катта меҳнат қилишга тўғри келади. Қўйларга йирик молиявий амалиётларда қатнашиш тавсия этилмайди. Лекин шахсий ҳаётда ҳаммаси жойига тушади. Мансаб борасида ҳам қувончи воқеалар ўз бериши мумкин. Май ойининг ўрталаридан июнь ойининг охиригача йилнинг энг омадли дамлари бўлади.

Сигир. 2011 йил сигирлар учун кутилганидан ҳам зиёда келади. Ушбу бурж остида туғилганлар айнан ҳозир ўзларининг бутун куч-қобилиятларини ривожланишга сафарбар этишлари лозим. 2011 йилда ҳаётингизда бурилиш ясайдиган ишга асос солишингиз эҳтимождан ҳоли эмас. Бундан ташқари, ҳар қандай бошлаган ишингиз омадли бўлиши кутилади.

Эгизаклар. Сиз учун бу йил энг аввало мансаб борасида ёки бизнес соҳасида катта омад келтиради. Шу билан бирга ишларингизнинг кўплиги сезиниб бепарво бўлишингизга йўл қўймайди. Шахсий ҳаётингиз Йўлбарс йилидаги қараганда омадлироқ бўлади. 2011 йилнинг тўртинчи чорағи сиз учун энг омадли келиши кутилади.

Кискичбақа. Бу йил сизни катта ўзгаришлар кўтапти. Бирон-бир нарсани йўқотишингиз, бошқисини нолдан қуриб чиқишингиз эҳтимождан ҳоли эмас. Кискичбақаларга 2011 йилда ўзгаришларга жуда сезгирлик билан жавоб қилиш лозимлигига қарамай, шовқалоқликка йўл қўймайди, танлашда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Шахсий ҳаётда ва мансаб борасида ҳеч қандай муаммолар кутилмайди.

Йўлбарс. Аввало, 2010 йилда таъқиб этган омадсизликлар сизни тарқ этади. Тақдир бу бурж вакиллари алоҳида хайрихолик намоеъ этиши эҳтимождан ҳоли эмас. Энг ижобий ўзгаришлар куз ойларига тўғри келади. Бунда хизматдаги муваффақиятларга ҳам, саломатлигингиз яхшиланishi ҳам умид боғлашингиз мумкин.

Паризод. Мазкур бурж вакиллари

учун 2011 йил омадли ҳам, тўла омадсиз ҳам бўлиши мумкин. Воқеаларга хотиржамлик билан қараш, юз бераётган ҳодисалар сизни гангитиб қўйишига йўл қўймайди. Қуён йили сиз учун шунчалик воқеаларга бўлиши мумкин, шахсий ҳаётингиз ҳақида ўйлашга вақтингиз ҳам қолмайди. Март ва апрель ойлари энг омадли даврингиз бўлиши эҳтимождан.

Тарозу. Бу йил албатта барча ишларингизни тартибга солиб, муаммоларни аниқ белгилаб олиш ва белгиланган режаларни аниқ амалга ошириш йўлидан собитқадамлик билан боришингиз лозим. Мансаб борасида мазкур йил ажайиб келади. Бизнесингиз учун баҳор ойлари энг қўлай пайт ҳисобланади.

Чаён. Жуда хоҳласангиз, бу йил сиз учун ҳамма орзуларингиз рўёбга чиқадиган янги имкониятлар йили бўлади. Йил бошида келгуси бутун ҳаётингизга таъсир этадиган воқеа содир бўлиши мумкин. Молиявий жиҳатдан бу йил энг омадли бўлиши, аммо мансаб борасида муаммолар туғилиши эҳтимождан ҳоли эмас.

Тог эчкиси. Сиз учун яхши ўйлаб қўйган режаларингизни амалга оширишингиз аниқ пайти келди. Мазкур бурж вакиллари бу йил жуда фаол бўлишади, бироқ омад ҳаммага ҳам қулиб боқармайди. Ёз йиллари мундирмақаброқ кечиси мумкин, лекин омадсизликлар кетидан барқарорлик, осийишталлик келади.

Ковга. Бу йил Қовгаларга банд парвозлар ва паства шўнгишлар йили бўлиши ҳам мумкин. Ҳаётингизга шундай нарсалар кириб келиши мумкин, улар билан мурося қилишингизга тўғри келади. Янги ишларни бошлашда тўғриларга эмас, тўғраларга таърибангизга суя-нинг. Кузда ишингизда яхши ўзгаришлар кутилади.

Балиқ. 2011 йили Балиқларни хотиржамлик ва ёлғизлик кутади. Узингиз устингизда ишлаб, олдинги йилларда эришган муваффақиятларингизни асраб қолишга интилинг. Йил бошида сизни шахсий ҳаётингиздаги хушбахтарлар кутади. Кузга бориб узок кутилган муҳаббат қалбингиз кошонасига кириб келиши мумкин.

Азиз САЛОМОВ

ҚАТЪИЯТЛИ ВА МУСТАҲҚАМ БЎЛИНГ

Ҳаётда амалда барча буржлар бир хилда муаммоларсиз, хотиржам бўлишларини учратиш қийин. Аммо мунажжимларнинг яқдил фикрларига кўра, 2011 йил – Оқ Куён йили буржлар даврасининг барча вакилларига хотиржамлик ва омад келтираркан. Фақат уларнинг ҳар биридан фаол ҳаракат ва оқилона тадбиркорлик билан иш кўриш талаб қилинади, холос.

Янги йилда касб-кор соҳасида кўплаб ўрин алмашишлар ва ўзгаришлар юз бериб, улар ҳаётдан ўз ўрнини топиши хоҳловчилар турмушини яхшилашга хизмат қилади. Фидокорона қилинган меҳнат, иш кўзини билиш омад ва моддий фаровонлики таъминлайди.

Баъзи бурж вакиллари учун омад улар фаолияти натижалари кўпчилик томонидан эътироф этилишида намоеъ бўлса, бошқалар учун у молиявий барқарорлик ва ўз бизнесини кенгайтиришда аксини топади. Аммо шунда ҳам ҳар бир бурж вакили умумий фаровонлик мевадларидан баҳраманд бўлади. Зеро, дея таъкидлашади мунажжимлар, Оқ Куён ҳеч тимни ўз хайри-саховатидан четда қолдирмайди.

Мансаб пиллапояларидан юқорига интилишда ҳам кўпчилик доғда қолмайди. Барча бурж вакиллари бу борада ҳайратланарли парвозлар кутади. Аммо юз берадиган кескин бўрилишларга фақат энг қатъиятли кишиларгина тоб бера олишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ҳаракатни бошлашдан олдин эгалланган маррада мустаҳкам ўрнашиб олган бўлишингиз шарт.

2011 йилда бизнес айрим йўқотишларга қарамай, инқирозни билмайди: йил якунида омад ва мўмай даромад барча йўқотишлар ва ташвишларни ювиб кетади. Аввал амалга ошмай қолган ишларни бу йил ўз нихоясига етказиш керак. Иш ва бизнесда барча майда-чуйдаларга бўлган муносабатингизни ўзгартириб, энг муҳим ва ҳақиқатан ҳам асосий ишларга диққатни жамланг.

2011 йилнинг ўрталари барча бурж вакиллари учун дастлабки молиявий муваффақиятлар ва сезиларли даромадлар билан нишонланади. Айни шу пайтда қалқинишлар ва салбий омиладан қочиш ўз маъносидаги мустаҳкамлаш имконини беради.

Агар шу давр мобайнида ҳамма бурж вакиллари ҳам диққат-эътиборларини устувор вазифаларни баҳаришга сафарбар эта олишса, улар йил охирига бориб улкан қўламини ва гоёт омадли лойиҳаларни олға суриш имконига эга бўлишади.

Кўён ойлави ҳаёт тарзига мансуб жонивордир. Шунинг учун ҳам бу йил оилалар учун ҳам ижобий, илиқлик даври бўлади. Ёлғиз кишилар ўз ўғулларини топишса, оилалиқлар ўз гўшаларини мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни анана илқлаштириш имкониятини кўлга киритишади. Оқуғил Кўён ўз оиласини севадиган, уни муқаддас деб биладиган ҳар бир бурж вакилига улкан бахт-саодат, хотиржамлик бағишлайди.

Азиз САЛОМОВ

Дам олиш соатларида



Кўргазмалар, Александро

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси ташаббуси билан Тошкент Фотосуратлар уйида «Сиз билан фахрланаман» мавзусида республика бадийи фото кўрик-танлови иштирокчиларининг кўргазмаси очилди.

Танловда асосан ёшлар, малакали фоторассомлар, миллий ва халқаро танлов иштирокчилари ҳамда голиблари — Мадина Арипова, Равел Ким, Элзара Музаффарова, Ҳасан Пайдоев ва Арслан Арсланов, Жасур Жумаев, Элман Ибрагимов каби фотоиллюстрациялар, шунингдек, Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги фотосанъат мактаби тингловчи ва битирувчилари Динара Баходирова, Александр Жудро, Тимур Маматхўжаев иштирок этишмоқда.

дуллари, рассомлар, қишлоқ меҳнатқашлари, шунингдек, ёш бўлишига қарамай ҳаётда ўз ўрнини топган замондошларини асарларида кўрсатиб берганлар. Замонамизнинг таниқли инсонлари — олимлар, тиббиёт ходимлари, ёзувчилар ва бошқа қаҳрамонлар эса етуқ фоторассомлар ижодида ўз талқинини топган.

Кўргазма доирасида «Сиз билан фахрланаман» мавзусидаги кўрик-танлов голиблари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, танлов ва кўргазма якуни бундан буён ҳар йили ўтказиладиган «Сиз билан фахрланаман» фотокўргазмасининг дебечаси бўлиб қолади.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

Тиббиёт оламида ОИТСНИ ЕНГИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Немис олимлари ўзларини ОИТС билан оғриган беморни тўла даволашга эришган, деб ҳисоблашмоқда: «Blood» журнали шу ҳақда ёзган. Тиббиёт мутахассислари, одам имунитети танқислиги вируси билан зарарланган кишилар ҳаётини фаолияти қимматбаҳо дори-дармонлар қоритишга ҳисобига чўзиб келинган бўлса-да, ҳозиргача ОИТС бедаво касаллик ҳисобланиб келганини эслатиб ўтишди. Юқорида келтирилган ҳолатда бемор асосан «умум қўланиб келатган усуллар» билан даволаш бўлса-да, мудҳиш касалликдан ҳалос этилди.

Беморни даволаш муолажалари қуйидаги тарзда кечди: 2007 йили унга илик мойини трансплантация қилинди (бемор оққон касаллиги билан ҳам оғриган). Кўчириб ўтказилган илик мойи тарқибда камдан-кам учрайдиган ҳужайра мутациясига эга бўлган бошқа бемор қонининг ҳужайралари мавжуд эди. Натижада бемор одам имунитет танқислиги вирусига қарши табиий барқарорликка эга бўлган.

Айни пайтда, тиббиётчиларнинг таъкидлашларича, даволаш жараёнлари осон кечмаган. Касаллик бир неча бор қайталанган ва ҳаргал у найзали ҳужайралар трансплантациясини талаб қилган. Уларнинг фикрига кўра, айнан шу беморнинг тузалиб кетиши ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай даволаш усули ижобий натижа бераверишини билдирмайди.

Ҳозирги замон фани Ердаги ҳаёт билан ёнма-ён мавжуд дунёлар ҳақидаги дастлабки далилларга эга бўлди. Британиянинг Daily Mail газетасининг маълум қилишича, Лондоннинг коллежлар университетини олимлари бизнинг Коинотимиз билан бошқа, кўзга кўринмас коинотлар ўртасидаги туташ нуқтани аниқлашга муваффақ бўлишган.

Инсоният ва Коинот ЁНМА-ЁН МАВЖУД ДУНЁЛАР ҲАҚИДА ИЛК ДАЛИЛЛАР

Афтидан, шу тарзда билан тавсифланадиган махсус зоналарга эгадир. «Бу ерда биз, афтидан, бизнинг дунёимиз билан ёнма-ён дунёларнинг тўқнашиши натижасида исботига эга бўлинди, дея қайд этади ушбу нашр. Бизнинг Коинотимизда Катта портлашдан кейин сақланиб қолган микро-тўлқинли нурланишнинг фазода тарқалишини ўрганиш жараёнида мазкур кашфиёт юзага келди. Ушбу нурланиш бир текис бўлмай, юқори ҳарорати билан тавсифланадиган махсус зоналарга эгадир. «Бу ерда биз, афтидан, бизнинг дунёимиз билан ёнма-ён дунёларнинг тўқнашиши натижасида исботига эга бўлинди, дея қайд этади ушбу нашр. Бизнинг Коинотимизда Катта портлашдан кейин сақланиб қолган микро-тўлқинли нурланишнинг фазода тарқалишини ўрганиш жараёнида мазкур кашфиёт юзага келди. Ушбу нурланиш бир текис бўлмай, юқори ҳарорати

ЙИРИК ЎЛЧАМЛИ ИНШОТЛАР

SETI тизими Кўёш тизимидан ташқарида бизнинг сайёрамиз йўналишида ҳаракат қилаётган бир нечта улкан объектлар — НУЖ ларни аниқлашга муваффақ бўлган Ердан ташқаридаги тамаддулларни излаб топши мақсади қўйилган SETI халқаро лойиҳаси антенналари Ер йўналишида ҳаракат қилаётган, бизнинг қўламлиримизга кўра, жуда улкан бир қатор объектларни пайқаб қолган.

Уларнинг жойлашган манзили ва тезлиги ҳусусида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Фақат улар, тахминан, Плутон орбитасининг ортида бўлиб, жуда катта ўлчамларга эгадир: яъни узунлиги 240 километр ва энига 50-80 километр келади.

SETI лойиҳаси мутахассислари ушбу объектларнинг сунъий келиши қийин

Сахфияр материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Жониворлар олами

ПРОТЕИН ХАБАР БЕРАДИ

Америкалик олимлар мушуги бор уйдан сичқонлар нега қочишини изохлаб беришди. Маълум бўлишича, бунда мушукнинг сичқонни тутиб ейишга интилишининг аҳамияти йўқ экан.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мушуклар ва бошқа баъзи бир йиртқичлар организми, сичқонларни хавотирланиши ва хавф-хатардан қочиб қутилишга мажбур қиладиган ким-явий сигнал (хабар) юборадиган модда ишлаб чиқарар экан. Кемирувчилар мушук сўлга тарқибиди махсус протеин моддасини сезиб қолшаркан.

Мазкур протеинлар сичқоннинг махсус сезги аъзоси рецепторлари ҳужайраларига таъсир этиши натижасида у ўлим хавфи ҳақида миёнага сигнал юборади. Бу жараён таърибалар давомида намойиш этилди. Мушук жидини олган сичқон жойида қотиб қолар ёки ерга ёпишиб олиб, хид олиш ва атрофни назорат қилишга тушарди. Шу тариха сичқонлар, йиртқичларга қарши хавф-хатар механизми сингдирилган ҳолда дунёга келишлари маълум бўлди.

Демак, эндиликда ҳайвонлар ҳимоячиларининг норузликларига сабаб бўладиган қопқонлардан воз кечиб, шундай ўзига хос хавф-хатар сигнални яратиш ва шу йўл билан сичқонларни хонадонлардан бадарга қилиш имконияти туғилди. Зеро, сичқонлар сигнал берувчи аъздан маҳрум қилинганда, улар хавф-хатарни сезмай-диган бўлиб, мушуклар билан бемалол ёнма-ён ётиб ухлайверишган.

1. - Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашб сақлаш омборида сақланаётган; 2. - Мерседес Бенц-200» русумли, д/р 01Н662ДА бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.03.2010Й №2-037-10. Бошланғич баҳоси — 18 699 300 сўм. 4. - «ГАЗ-31029» русумли, д/р 30С2291 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.04.2010Й, №4562/24. Бошланғич баҳоси — 2 340 000 сўм. 5. - «ГАЗ-2417» русумли, д/р 30Q3293 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010Й, №3660/24. Бошланғич баҳоси — 1 138 000 сўм. 6. - «ВАЗ-2105» русумли, д/р 20D091AA бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010Й, №3645/24. Бошланғич баҳоси — 1 926 000 сўм. 7. - «Алкан-13» русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч техника воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009Й, №6573/14. Бошланғич баҳоси — 2 618 200 сўм. 8. - «ЕРА3-762» русумли, д/р 10M746AA бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.11.2009Й, №13433/11. Бошланғич баҳоси — 603 250 сўм. 9. - «Москвич-412» русумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.10.2008Й, №10658/14. Бошланғич баҳоси — 851 400 сўм. 10. - «ВАЗ-2103» русумли, д/р 01С518ДА бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2010Й, №1-183/10. Бошланғич баҳоси — 1 382 400 сўм. 11. - «RANGE ROVER» русумли, д/р 30Z1501 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.11.2010Й, №14144/21. Бошланғич баҳоси — 189 670 500 сўм.

1. - Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси «Файзобод» божхона масканида сақланаётган, ижро ҳужжати 02.04.2010Й, №1-152/10; 1. - «BMW-525» русумли, д/р B045XDM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 028 000 сўм. 2. - «Мерседес Бенц-200» русумли, д/р B333CFN бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 322 300 сўм.

13. - «ВАЗ-21063» русумли, д/р 11Z6972 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент ш, Транспорт ИИБда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010Й, №1-76/2010. Бошланғич баҳоси — 1 804 500 сўм. 14. - «МАЗ-35334» русумли, д/р 30B1963 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент в, Зангиота т, Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009Й, №10880/11. Бошланғич баҳоси — 45 151 200 сўм. 15. - «МОАЗ-546-П» русумли, д/р 55-99ЕР бўлган, 1985 йилда и/ч, Тошкент шаҳар «Ўзтемирйўлмаштаъмир»да сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.12.2006Й, №13738/4. Бошланғич баҳоси — 13 608 000 сўм. 17. - Тошкент шаҳар 1-сонли автоташмирлаш заводида жойлашган, Р.Х.Мирзахмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва ускуналар, ижро ҳужжати 27.04.2009Й, №4924/14. Бошланғич баҳоси — 2 215 800 сўм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, 01.03.2010 йилдаги 1-1-1055-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Юнусова кўчасида жойлашган, «Вегунли Вагака Мебел» МЧЖга қарашли, ер майdonи 225,0 кв.м.дан иборат бўлган, спорт ва соғломлаштириш мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 29 216 081 сўм.

- Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашб сақлаш омборида сақланаётган; 3. - «Мерседес Бенц-200» русумли, д/р 01Н662ДА бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.03.2010Й №2-037-10. Бошланғич баҳоси — 18 699 300 сўм. 4. - «ГАЗ-31029» русумли, д/р 30С2291 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.04.2010Й, №4562/24. Бошланғич баҳоси — 2 340 000 сўм. 5. - «ГАЗ-2417» русумли, д/р 30Q3293 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010Й, №3660/24. Бошланғич баҳоси — 1 138 000 сўм. 6. - «ВАЗ-2105» русумли, д/р 20D091AA бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010Й, №3645/24. Бошланғич баҳоси — 1 926 000 сўм. 7. - «Алкан-13» русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч техника воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009Й, №6573/14. Бошланғич баҳоси — 2 618 200 сўм. 8. - «ЕРА3-762» русумли, д/р 10M746AA бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.11.2009Й, №13433/11. Бошланғич баҳоси — 603 250 сўм. 9. - «Москвич-412» русумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.10.2008Й, №10658/14. Бошланғич баҳоси — 851 400 сўм. 10. - «ВАЗ-2103» русумли, д/р 01С518ДА бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2010Й, №1-183/10. Бошланғич баҳоси — 1 382 400 сўм. 11. - «RANGE ROVER» русумли, д/р 30Z1501 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.11.2010Й, №14144/21. Бошланғич баҳоси — 189 670 500 сўм.

12. - Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган; 12. - «BMW-525» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номалъум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.07.2009Й, №7791/14. Бошланғич баҳоси — 8 550 000 сўм.

13. - «ВАЗ-21063» русумли, д/р 11Z6972 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент ш, Транспорт ИИБда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010Й, №1-76/2010. Бошланғич баҳоси — 1 804 500 сўм. 14. - «МАЗ-35334» русумли, д/р 30B1963 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент в, Зангиота т, Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009Й, №10880/11. Бошланғич баҳоси — 45 151 200 сўм. 15. - «МОАЗ-546-П» русумли, д/р 55-99ЕР бўлган, 1985 йилда и/ч, Тошкент шаҳар «Ўзтемирйўлмаштаъмир»да сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.12.2006Й, №13738/4. Бошланғич баҳоси — 13 608 000 сўм. 17. - Тошкент шаҳар 1-сонли автоташмирлаш заводида жойлашган, Р.Х.Мирзахмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва ускуналар, ижро ҳужжати 27.04.2009Й, №4924/14. Бошланғич баҳоси — 2 215 800 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



Спорт янгиликлари

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг энг яхши футбол ҳакамлари рўйхатини эълон қилди.

РАВШАН ЭРМАТОВ — КУЧЛИЛАР САФИДА!

2010 йилнинг энг яхши ҳакамларини аниқлаш мақсадида 83 мамлакат экспертлари ўртасида ўтказилган сўровда 128 балл жамғарган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов йигирма ҳакам ўртасида иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Бундан ташқари, IFFHS мутаассаддилари 2001-2010 йилларнинг энг яхши ҳакамларини ҳам аниқлади. Халқаро фаолиятини 2003 йилда бошлаган 33 ёшли Р.Эрматов сўнгги ўн йил-

ликнинг энг кучли ҳакамлар рўйхатида йигирма олтинчи поғонада қайд этилди. Бу Осие бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Р.Эрматов 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг кўп — беш учрашувда бош ҳакамлик қилди. Осие футбол конфедерацияси (ОФК) Р.Эрматовни кетма-кет учинчи мартаба Осиенинг "Энг яхши ҳаками", деб эълон қилди.

ЁШ ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига киритилган халқаро турнирда ўндан зиёд мамлакат спортчилари голиблик учун куч синашмоқда.

Яккаликлар мусобақасининг биринчи босқичида ҳамюртимиз Абдуворис Саидмуҳаммадов мезбонлар вакили Гарри Токаши 6:0, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мавсумни муваффақият-

ли бошлаган Темур Исмоилов эса ilk беллашувда тўртинчи рақамда сараланган Хаадин Бава (Ҳиндистон) устидан 7:6, 6:3 ҳисобида зафар кучди. Яна бир умидли теннисчимиз Шухрат Ги-

затулин ҳам мезбонлар вакили Роҳан Батияни 6:3, 6:4 ҳисобида енгиб, иккинчи босқичга йўлланма олди.

Австралияда бошланган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирда истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова ilk учрашувда австралиялик Элизабет Жеймсни 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кейинги даврада россиялик Маргарита Гаспарян билан куч синашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш касалликлари ичида жуда оғир кечадиган турларидан бири бу ботулизмдир.

Ботулизм касаллиги келиб чиқишининг асосий сабабчиси Colstridium Botulinum таёқчаларининг вегетатив шакли ишлаб чиқарадиган оқсилдан иборат нейротоксиндир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб, яъни кислородсиз шaroитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлганлиги учун ташқи муҳит таассуротларга жуда ҳам чидамли бўлиб, қайнатганда ҳам ўлмайди, +120°С даража ҳароратда 30 дақиқада, спора 20 фоизли формалин зарарсизлантирувчи моддаси таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меъда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у қонга сўрилиб, қуруқ шaroитда, тупроқда узок йилларгача сақланади.

Бу касаллик билан хасталанишга одатда ўзида ботулизм бактерияларини, шунингдек, микроб экзотоксинини тутган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Касаллик асосан уй шaroитида тайёрланган дудланган гўшт, сабзавот ва мева консерваларини истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Аҳоли ўртасида ботулизм билан хасталаниш асосан ноябрь ойидан бошлаб, май ойларигача давом этади. Охирги йиллар давомида асосан уй шaroитида тайёрланган маринадланган бодринг, помидор, патиссон, кўк нўхат, қалампир, кўзикроин консервалари, баклажон икраси ва дудланган балиқ каби маҳсулотларни истеъмол қилиш ка-

салликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлаёпти.

Касалликнинг клиник белгилари тўсатдан ҳолсизланиш, бош оғриғи, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгил айниши, қайт қилиш, бош айланиши ва 1-2 мартаба ичнинг суяқ кетиши қисқа давр ку-

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олиш учун қуйидаги оддий қоидаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз:

Бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шaroитларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган дудланган гўшт, балиқ ҳамда сабзавот-мева консерва маҳсулотларини харид қилманг.

Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балиқ, кўзикроин ва сабзавот-мева консерва маҳсулотларини ҳамда дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатлари борлиги тўғрисидаги маълумотни аниқлаб;

Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин уларнинг сақлаш муддатлари ўтиб кетмаганлигига, идилларининг бутунлигига, қопқоплари шишмаганлигига эътибор беринг. Сақлаш муддати ўтган, қопқоғи шишган (бомбаж), деформацияланган ҳамда гигиеник ва мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган консерва маҳсулотларини асло харид қилманг.

Ушбу тавсияларга амал қилмасдан, ботулизм хасталигига чалинган беморда касалликнинг аломатлари намойён бўла бошлаши билан уни зудлик билан энг яқин тиббий муассасага олиб боринг.

Ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий ёрдамгина беморнинг тез кунда соғайиб кетишига имкон яратди. Ўзингиз ва яқинларингизнинг саломатлиқлари ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Шухрат ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири

Шифокор оғоҳлантиради
САЛОМАТЛИГИНГИЗ
ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

затлади. Тўш суяғи ортида оғрик, кекириш, қоринда оғрик ва дамланиш ҳоллари учраб туради. Қайт қилиш ва ич кетиш қисқа давр кузатилиб, неврологик белгилар бошланганидан сўнг одатда йўқолади. Сўнг қабзят юзага келади, меъдадан озука моддасининг эвакуацияси, секинлашуви, ҳатто тўхташи мумкин. Неврологик белгилар: кўз олдида «туман», «парда» пайдо бўлади, битта буюм иккита бўлиб кўринади, кўз соққасининг ҳаракати чекланади, қорачиклар кенгайди, кўз қовоқларининг икки томонлама қисилиши, ютинишнинг қийинлашуви ёки умуман амалга ошмай қолиши юзага келади, овоз ўзгариб пасая боради ва тиниклиги йўқолади, оғир аҳволдаги беморнинг гапига тушуниб бўлмайди.

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН...

Маълумотларга қараганда, республикада содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарияти болалар ва ёшларнинг ўзаро ўйинлари ва бебошлиқлари оқибатида юзага келади. Уларни бартараф этиш ва олдини олишда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, соҳа мутахассислари иштирокида суҳбат ва учрашувлар ўтказиш яхши самара беради.

Мақтабнинг 3 ва 8-синф ўқувчилари иштирок этган навбатдаги тадбирда ҳам соҳа ходимлари бирламчи ёнгин ўчириш воситаларини ишлатиш, бино ва хонадонларда қўлбола электр печларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари, ўт ўйнаш натижасида ўзи ва ўзгалар ҳаётини хавф остига қўйиши мумкинлиги ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани ИИБ ЁХБ томонидан келтирилган ёнгин ўчириш воситалари ва мах-

Олмазор туманида жойлашган 11-сонли умумтаълим мактабида «Фавқулодда вазиятларда ёнгиндан сақланиш чоралари» мавзуидаги учрашув бўлиб ўтди.

сус автомашиналар намойиш этилиб, шу ернинг ўзида кўргазма шаклида содир бўлган «ёнгин» мосламалар ёрдамида ўчирилди ва хавфсизлик чоралари кўрилиб, «шикастланганлар» эвакуация қилинди.

— Учрашувда ёнгин хавфсизлигига амал қилиш, озгина бепарволик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ёнгин ҳодисаларининг олдини олиш, ёнгин содир бўлган фавқулодда вазиятларда эвакуация қилиш машғулотлари ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берилди, — дейди Олмазор тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори Фарҳод Нажмидинов. — «Ўзбекистон Респуб-

ликаси шаҳарлари, туманлари ва бошқа аҳоли пунктларида шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги фармойишга мувофиқ, ўқув муассасаларида хавфсизлик чораларини кўриш, газ ва электр анжомларидан тўғри фойдаланиш юзасидан турли учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ёшларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишида, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Уяли телефоннинг чиққани яхши бўлди-ю, лекин у билан боғлиқ жиноятлар кўпайгани чатоқ-да. ТИИБлар навбатчилик қисмларига келиб тушаётган хабарларни қарасангиз, содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилиги уяли алоқа телефонини олиб, қайтариб бермаган, яъни бирловнинг аппаратини нотаниш кишилар зўрлик ишлатиб олиб қочишган, бошқа бири уяли телефонларни дўкондан ўғирлаб кетган, бошқа телефон орқали фирибарликни амалга оширган...

«02»
ҚЎНГИРОҚ ҚИЛИБ ОЛАЙ...

Яқинда Ҳамза туманида содир этилган жиноят ҳам бунга яққол мисол бўла олади. 1983 йилда туғилган, Мўйноқ кўчасида яшовчи Руслан Фаргона йўли кўчасида жойлашган «Гўзаллик салони»га кирган эди. Шу ердаги бошқа бир мижознинг қўлидаги телефон аппарати унинг кўзига бошқача кўриниб кетди шекилли, дарров шумлик ишлатишга ўтди. Шундай қилиб, у 1987 йилда туғилган Насибадан бир жойга кўнгироқ қилиб олиш баҳонасида қўл телефонини олиб, ташқарига чиқди. Сўнг дарров йўловчи машиналардан бирига ўтириди-да, кўздан қочиб қолди.

Уни кутиб чарчаган Насиба ташқарига чиқиб қараса, ҳалиги йилгитдан ҳам, телефонидан ҳам дарак йўқ. Нақд 400 минг сўм турадиган «Nokia»-сидан ажралгани ва алдангани алам қилиб, у дарҳол ички ишлар ходимларига бу ҳақда хабар қилди. Яхшиямки, тезкор ходимлар Руслани ашъвий далил билан қўлга олишди ва телефон ўз эгасига қайтарилди, ўғрининг устидан эса жиноий иш очилди.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати бўлими ходими, майор



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ТИЛ, ЯХШИ СЎЗ
ВА ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Яхшилик ерда қолмас.

Балиқ билмаса, холиқ билар.

Яхшилик қўлингдан келмаса, Ёмонликни ҳам раво кўрма.

Яхшини мақтасанг — ярашур, Ёмонни мақтаган — адашур.

Яхшининг сўзи — қаймоқ, Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.

Яхшининг яхшилиги тегар тор ерда Ёмоннинг ёмонлиги тегар ҳар ерда

Яхшини яхши билур, Ёмонлар нени билур?

Яхши одам ёт бўлмас.

Яхши одам ошини ер, Ёмон одам бошини ер.

Яхши сўзга кулоқ сол, Ёмон сўзга улоқ сол.

Яхши сўз — жон озиғи, Ёмон сўз — бош қозиғи.

Яхши сўз — кўнгил подшоси.

Яхши сўз филни ҳам йўлга солар.

Яхши — ҳунук либос билан ҳам яхш

Яхши — яхшига ёндаштирар, Ёмон — йўлдан адаштирар.

Яхши — қанд едирар, Ёмон — панд едирар.

Ҳар кимнинг нияти ўзининг йўлдош

ТЎҒРИЛИК ВА ЭҒРИЛИК ҲАҚИДА
Бетга айтганининг захри йўқ.

Бошинга қилич келса ҳам
тўғри сўз

Дилда бўлса, тилга келар.

(Давоми бор)

ЎЗГҲИРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 22 январь кунги ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёнғингарчилик бўлади. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади, кучайиши 12-17 метри ташқил этади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Қалган ҳудудларда ва айрим туманли вақти-вақти билан ёнғинчилик бўлади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда мал эсади, кучайиши 10 метрни ташқил этади. Ҳарорат кечаси — 2-7 даража сс, кундузи — 2-7 даража қ бўлиши кутилмоқда.

ЎзгҲиromетнинг мониторинг хизмати маълумотиға я, 22 январь кунги Тошкент ши об-ҳаво шaroити шаҳар о муҳитида зарарли модданинг бироз тарқалиб кетиши имконият яратди. Атмосфернинг ифлосланиши даражаси 3 фазиса пасайиши таъмин қилмоқда, таъмиқдори паст бўл.

«ITAL DOORS» хусусий корхони
(ИНН 300974710) масъулияти чекланган жамтига ўзгартирилмоқда.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб о ой муддат ичида қуйидаги манзил бўйича қап қилинади:

Чилонзор, Д-20А, 18-33, телефон: 465-02-0

Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Ш.Рузавели кўчаси, 12-уй манзили бўйича рўйхатн ўтган «SMART GAZ» МҲЖнинг бурчак штаи йўқотилганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
4848 нуска босилди.
Қўроқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйи турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефон мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифалди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-

1 2 3 4